O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ушбу сонда:

**ҚАРЗ ЮКИ** 2

**ФЕРМЕРЛИК ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ** 3

**ХАТОМИ ЁКИ АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК?..** 4

**КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ**

**MEZON:**

**Депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.**

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 29-МОДДА.**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 48 (404)
2004 йил 14 декабр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## ХОЛИС ТАВСИЯ ВА ТАЖРИБА КЎМАГИ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларда иштирок этиш учун юртимизга хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг келиши давом этмоқда. Улар юртимиз кузатувчилари билан бир қаторда сайлов арафаси ва бевосита овоз бериш жараёнида сайлов қонунчилигимизга риоя қилиниши устидан назорат олиб борадилар.***



Кейинги пайтларда халқаро ташкилотлар экспертларини "халқаро кузатувчи", хорижий давлатлар вакилларини эса "хорижий кузатувчи" деб аташ тамойили барқарорлашаётир.

Бу ҳолни аввало, истиқлол сабаб Ўзбекистон дунёга, дунё эса Ўзбекистонга чет, ёт, бегона бўлмай қўйгани, аксинча, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътибори тобора ортаётгани билан изоҳлаш тўғри бўлади. Ўз навбатида, жаҳон ҳамжамияти назарида нуфузимиз юксалиб боришида бизнинг дунёга ёруғ юз ва эзгу ниятлар билан пешвоз чиқаётганимиз ҳам муҳим аҳамият касб этаётгани тайин.

Шу маънода, хорижий давлатлардан, халқаро ташкилотлардан келаётган кузатувчилар, уларни қандай аташимиздан қатъи назар, бўлғуси сайловларни авваламбор қонун доирасида, очиқ-ошкора, холисона ва ҳалол, бошқача айтганда, сайловчиларимизнинг эркин хоҳиш-иродасини намоён қиладиган тарзда, юқори даражада ўтказиш борасидаги яқин ҳамкорларимиздир.

Халқаро кузатувчиларни кутиб олиш ва улар ўз фаолиятини мустақил равишда амалга оширишларини таъминлаш учун тегишли шарт-шароит яратиш билан боғлиқ барча ишлар ана шундай мезонларга асосланилаётир. Халқаро кузатувчилар иш олиб бориши учун юртимизда зарур шароит яратилганини ушбу миссиялар вакилларининг ўзлари ҳам эътироф этмоқдалар.

Яқинда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари миссияси Тошкентда иш бошлади. Марказий сайлов комиссиясида миссияни рўйхатга олишга бағишлаб ўтказилган учрашувда МДҲ Ижроия қўмитаси раиси, МДҲ ижрочи котиби Владимир Рушайло бошчилигидаги делегация қатнашди. В.Рушайло республика раҳбарияти ва шахсан Президент Ислом Каримовга мамлакатимизда МДҲ халқаро кузатувчилари миссияси ишига кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ушбу миссия МДҲ мамлакатларида ўтказилган сайловларни кузатиш борасида катта тажриба тўплаган. Жумладан, МДҲ кузатувчилари Ҳамдўстликнинг етти давлатида ўтган 17 сайлов ва референдумда қатнашган. Айни чоғда МДҲ нинг беш нафар доимий кузатувчиси Ўзбекистонда ишлаб турибди. Ҳамдўстлик мамлакатлари кузатувчиларининг яна бир қисми сайловдан бир неча кун олдин мамлакатимизга келади.

Орадан кўп ўтмай, Марказий сайлов комиссиясида ЕХҲТ кузатувчилари миссияси раҳбари Любомир Копай раҳбарлигидаги делегация аъзоларига аккредитация гувоҳномаларини топширишга бағишлаб ўтказилган учрашувда ушбу миссия вакиллари ҳам ўз фикрларини баён этдилар.

— Биз Ўзбекистонга дўст сифатида келдик, — деди ЕХҲТ кузатувчилари миссияси раҳбари. — ЕХҲТ Ўзбекистоннинг ўз сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга бўлган интилишини ҳамда кейинги пайтда унга киритилган демократик ўзгаришларни юқори баҳолайди.

Л.Копайнинг фикрига қараганда, ЕХҲТ миссияси кўзлаган мақсад — сайловларга оид талабларни эмас, балки айнан тавсияларни шакллантиришдан иборат.

Кечаги ҳафтада Марказий сайлов комиссиясида Россия Федерацияси Давлат думаси делегацияси иштирокида ўтказилган учрашувда сайловларга бир неча кун қолганда юртимизга мазкур мамлакат парламентининг бир гуруҳ кузатувчилари келиши хусусида сўз борди.

— Ўзбекистонда доимий асосда фаолият юритадиган икки палатали парламентнинг шаклланиши мамлакатингизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар йўлидаги муҳим қадамдир, — деди делегация раҳбари, Россия Федерацияси Давлат думасининг МДҲ ишлари ва ватандошлар билан алоқадор бўйича қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Аҳмед Билолов. — Бундай тузилма қонун ижодкорлиги жараёнини жамият ҳаётига имкон қадар яқинлаштиришга, уни демократлаштиришга ёрдам беради. Шуни таъкидлаш керакки, бу борада ўзбекистонлик ҳамкасбларимиздан ўрганадиган жиҳатлар бор.

Ҳадемай Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европарламентдан ҳам кузатувчилар етиб келади. Юртимизда ўтажак сайловларда халқаро ташкилотлар, шунингдек, дунёнинг ўттиз мамлакатидан жами 150 нафарга яқин кузатувчи иштирок этиши кутилмоқда.

Энг муҳими, хорижлик ҳамкорларимизнинг фикрича, жаҳон ҳамжамияти мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараяпти. 26 декабр куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтадиган сайлов бу борадаги ислоҳотларнинг яққол далилидир.

Албатта, демократиянинг ҳамма учун бир хил, тайёр шакли ва қолипи йўқ. Ўзбекистон ўзининг демократик ривожланиш йўлини танлаган. Шу билан бирга, бошқа мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси ва турли халқаро инстиутларнинг тавсиялари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улардан миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланишимиз мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг ўн олтинчи сессиясида таъкидлаганидек, **биз сайловларимизни ҳар томонлама демократик ва халқаро андозаларга жавоб берадиган асосда ўтказиш мақсадида халқаро ҳамжамиятнинг, ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тажрибасини маъқул, деб ҳисоблаймиз ҳамда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида уларнинг танқидий, шу билан бирга, холисона тавсия ва маслаҳатларини олишни ўзимиз учун мақсадга мувофиқ, деб биламиз.**

**Ғулом МИРЗО**

### ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ХАБАРЛАРИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Исматилла Раимович Эргашев Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.***

* * *

***10 декабр куни Президент Ислом Каримов пойтахтимиз Тошкентда амалга оширилаётган янги қурилиш ва иншоотлар, жумладан, шаҳарнинг Эски Жўва майдонида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишларнинг аҳволи билан яқиндан танишди.***

* * *

***"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида" Республика Марказий сайлов комиссиясининг қарори қабул қилинди.***

* * *

***Тошкентда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Novopharma plus" Ўзбекистон-Кипр қўшма корхонаси иш бошлади.***

* * *

***Филиппин оролларида рўй берган қатор тўфонлар оқибатида 2000 киши ҳаётдан кўз юмди. Мамлакат ҳукумати навбатдаги "Нонмадал" бўронида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ишларини бошлади.***

* * *

***Чикаго шаҳридаги 45 қаватли осмонўпар бинода ёнғин содир бўлиши натижасида 25 нафар киши жабрланди.***

* * *

***2006 йили Германияда ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш босқичининг навбатдаги учрашувларида мамлакатимиз терма жамоаси Қувайт, Саудия Арабистони ва Жанубий Корея жамоалари билан куч синашадиган бўлди.***

* * *

***Бразилиялик ҳужумчи кичик Криштиано де Лима якшанба куни Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида ўтказилган футбол учрашувида ҳалок бўлди. 78 дақиқада ўзининг иккинчи голини урган легионер тўсатдан йиқилди. Шифохонага етказилгандан сўнг унинг майдонда жон таслим қилгани маълум бўлган. Унинг ўлими сабаблари ҳали аниқлангани йўқ.***

## САМИМИЙ МУЛОҚОТ

Uchrashuv



Шу йил 10 декабр куни Адлия вазири А.Полвон-зода ва Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ами Мэль ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Унда томонларни қизиқтирган бир қатор масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, Адлия вазири А.Полвон-зода мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ва қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, бу борада хорижий мамлакатлар тажрибаси самараси, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш хусусида сўз юритилди. Ўз навбатида элчи жаноблари ҳам манфаатли ҳамкорлик истиқболлари ҳақида фикр билдирди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Исроил давлати ўртасида ҳуқуқий ҳамкорликнинг келгусидаги аниқ режаларни белгилаб олишди.

Anjuman

## МАЛАКАЛИ ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда ҳуқуқшунос кадрларининг самарали фаолияти ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади.

Шу мақсадда Адлия вазири томонидан 2004 йил 25 ноябрда тасдиқланган режа бўйича вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида фаолият юритаётган ҳуқуқшунос мутахассисларнинг малакасини ошириш юзасидан прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида минтақавий семинарлар ўтказилди.

Мазкур семинарларда **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги қонуннинг мазмун-моҳияти, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг шартномавий муносабатларни тартибга солишдаги ўрни, ҳуқуқшунослар зиммасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хайрия, ҳашар ва шунга ўхшаш тадбирлар учун хўжалик субъектларининг ҳақиқий розилигисиз маблағларини олиб қўйиш оқибатлари, тадбиркорларни рўйхатга олиш ва уларга ер ажратиш масаласи каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Шунингдек, семинарларда айрим вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари томонидан қарор ва фармойишлар қабул қилишда **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги қонун билан белгиланган ваколатлардан четга чиқиш, тадбиркорларнинг мулкий ҳуқуқларини поймол қилиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ишларига асоссиз равишда аралашиш ва ер ажратиш масалаларида қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани таъкидланди. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2004 йил 7 январдаги фармойиши билан "Тошкентнон" уюшмаси раиси А.Норматовга "ҳайфсан" эълон қилинган.

Фарғона шаҳрида фаолият юритаётган "Маишийтехсоз" масъулияти чекланган жамиятга тегишли бўлган бино шаҳар ҳокимининг қарори билан бошқа ташкилотга фойдаланиш учун олиб берилган.

Албатта бу қарор вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган даъво аризага асосан хўжалик судининг 2004 йил 21 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан бекор қилинди.

Адлия вазирлиги томонидан вилоятларда ўтказилган ўрганишларда ҳокимликлар томонидан 436 та қарор, фармойиш ва ёзма кўрсатмалар асосида 5072 нафар тадбиркорларнинг маблағлари, эгаларининг розилигисиз, ноқонуний равишда турли мақсадларга жалб қилингани, 6000 дан зиёд ҳолатда ер ажратишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган эди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туман ҳокимининг фармойиши билан "Андийше" телемусобақасини ўтказиш учун тумандаги 11 та тадбиркорлик субъектлари ҳомий этиб белгиланиб, улар зиммасига туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига 300 минг сўм ўтказиш мажбурияти юклатилган.

*(Давоми учинчи бетда)*

***Самарқанд вилояти деҳқонлари бу йил ғалла ҳосили режасини тўлиқ бажаришди. Хўш, кўрсаткич бундан ҳам зиёд бўлиши мумкин эдими?! Албатта. Ахир, ғалла қанча кўп бўлса, халқимиз дастурхони ҳам шунчалик тўкин бўлади. Мўл-кўлчиликка нима етсин...***

## МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК КЕЧИРИЛМАЙДИ

Tahlil ko`zgusi

Ҳукуматимиз деҳқоннинг мушкулини осон қилиш ҳаракатида. Ғаллани экиш учун аввало, уруғ керакми? Марҳамат, деҳқон ҳосилдор, сара уруғ билан етарли таъминланаяпти. Деҳқоннинг техникаси бўлса яхши, йўқса, тузилган шартномага асосан «МТП» ташкилотлари мушкулини осон қилиб, ерни тайёрлаб беряпти. Уруғлик, минерал ўғит, ёқилғи, ойлик иш ҳақлари учун банклар имтиёзли кредит маблағлари ажратяпти. Дон қабул қилиш корхоналари ғалла етиштиришда деҳқон қийналиб қолмаслиги учун аввалдан бўнак тўлаяпти. Ижарачи, фермер хўжалиги бирон-бир сунъий тўсиққа дуч келса, адлия ёхуд прокуратура идоралари қалқон.

Буларни санаб ўтишдан мақсад шуки, бу йил вилоятда 1897 та қишлоқ хўжалик корхоналари давлатга 14630 тонна ғалла сотиш шартнома шартларини тўлиқ бажармаган. Уларнинг 1841 таси фермер хўжаликлари бўлиб, 8689 тонна кам топширилган ғалла ана шу тадбиркорлик субъектларига тўғри келган. Вилоятда 321 та фермер хўжалиги дон қабул қилиш корхоналари билан тузилган шартнома шартларини умуман бажармаган. Бунинг оқибатида давлат омборига 2522 тонна ғалла етказиб берилмаган.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг **"2004 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори ижроси юзасидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда мониторинглар ўтказди. Бунда асосий эътибор берилган уруғлик ҳақини қопламаган, давлат эҳтиёжи учун дон етказиб бериш бўйича тузилган шартнома шартларини бажармаган фермер хўжаликлари раҳбарларига шартнома интизомини бузишнинг қонуний оқибатларини тушунтириш ҳамда етказилган зарарларни ундиришга қаратилди.

Давлатга дон сотиш шартномавий режасини бажармаган фермер хўжаликларидан 350 таси 862 тонна ғалла, 508 таси эса ихтиёрий равишда 380 тонна ғалла учун 31 миллион 162 минг сўм накд пулни давлатга топширишди. Ғалла ҳосили учун 243 та фермер хўжалиги томонидан олинган бўнакнинг 31 миллион 162 минг сўмини улар ихтиёрий равишда қоплашди.

Ўрни келганда яна шуни таъкидлаш керакки, қонун ҳалол тадбиркорнигина қўллайди. Ердан белгиланган мақсадларда фойдаланмаган 17 та фермер хўжалигидан 1921 гектар ер майдонини қайтариб олиш тўғрисида вилоят хўжалик судига 17 та даъво ариза киритилди. 75 та фермер хўжалигидан 1491 гектар ер майдон эса унумли фойдаланилмагани учун қайтариб олинди.

Бундан ташқари, давлатга дон сотиш шартномавий режасини бажармаган 884 та фермер хўжаликларидан 234 миллион 8 минг сўмлик зарарни ундириш бўйича вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилди.

*(Давоми иккинчи бетда)*

Talab, taklif, mulohaza

***Суд амалиётида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг соддалаштирилган ва ихчамлаштирилган шакли сифатида айрим тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича ишларни суд буйруқлари чиқариш йўли билан ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.***

## СУД БУЙРУҒИ ИНСТИТУТИ

Хўш, суд буйруғи деб нимага айтилади?

Бунга жавобан шуни айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодексининг 238 (1) моддасида суд буйруғи — ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судьянинг судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир дея таъриф берилган.

Суд буйруқлари (алимент ундириш тўғрисида чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарорларидан фарқли равишда) суд томонидан фуқаролик процессуал қонун доирасида, лекин соддалаштирилган шаклда чиқарилади. Буйруқ тартибида иш кўриш жараёнида даъво тартибида иш юритишдан фарқли равишда, даъвогар ва жавобгар иштирок эшитмайди, балки ундирувчи пул маблағларини ундириш ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олишни сўраб мурожаат қилган шахс ва қарздор — суд буйруғига кўра муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти юкланган шахс иштирок этади.

*(Давоми учинчи бетда)*

*Ҳаётда бировдан қарзи бор одамни учратганда, кўнглимизда ачиниш туйғуси пайдо бўлади. Ҳатто бечорага қийин бўлди-да, чўнтагида ҳеч вақоси бўлмаса, қарзини қандай узсин, дея ёнини оламиз. Балки бундай муносабат айримларга нисбатан ўринлидир. Бироқ чўнтагининг салмоғию, тўловнинг муқаррарлигини ўйламай туриб, насияга мол харид қилган, боз устига-устак қоп-қоп ваъдалар билан сотувчининг чўнтагини пуч ёнғоққа тўлғазган харидорнинг хатти-ҳаракатларини оқлай оламизми? Яхшиси, уларнинг берарини ўйламайдиган "ҳамкор"дан қўлни ювиб, қўлтиққа урган маъқул. Чунки шеригининг "чўнтаги"ни кўрмай-билмай туриб, молини насияга бериб юборганлар пировардида бармоқ тишлаб қолиши турган гап.*

Taassuf

# ҚАРЗ ЮКИ

## У ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК ТУФАЙЛИ ВУЖУДГА КЕЛДИ

"Хива-Карпет" қўшма корхонасининг номи наинки мамлакатимиз, балки чет элларга ҳам машҳур. Ҳамкорлар, шерик ва мижозлар билан бир неча ўн йиллардан буён олиб борилаётган ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ муносабатлари "Хива-Карпет" (Муқаддам Хива гилам комбинати) корхонасига кимнинг аслида кимлигини яққол англатгани ва яхшигина сабоқ бергани кундай равшан.

Хуллас, "Хива-Карпет"дек машҳур корхонани доғда қолдирган ўша машъум воқеанинг биринчиси рўй берганига яқинда 2 йил тўлди. 2002 йилнинг 3 октябр куни хивалик гиламчилар ва Тошкентдаги "Енгитижсавдомарказ" жамияти мутасаддилари ўртасида имзоланган 006-сонли олди-сотди шартномасига мувофиқ Тошкентга жами қиймати 5,8 миллион сўмликдан иборат бўлган 500 квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари жўнатилади. Орадан кечган 2 йил давомида тошкентлик ҳамкорлар гардандаги 5,8 миллион сўмлик қарзнинг атиги 1,5 миллион сўмини узишган. Бироқ орадаги шерикчилик туфайли "Хива-Карпет"нинг ўзи ҳам "Енгитижсавдомарказ"га 4,1 миллион сўм миқдорида қарздор эди. Томонлар орасидаги қарздорлик ана шунинг эвазига сезиларли даражада камайди. Лекин "Хива-Карпет"га бўлган 210 минг сўм миқдоридаги қолдиқ қарз қопланмасдан қолди. Бу хусусда "Енгитижсавдомарказ"га қилинган талаб ва мурожаатлардан наф бўлмади. "Енгитижсавдомарказ" ушбу талабларга ҳатто икки энлик хат билан жавоб қайтаришни ҳам лозим топади. Ваҳоланки, ҳар иккала корхона ўртасида 2002 йили тузилган юқоридаги шартноманинг биринчи бандига асосан "Маҳсулот олувчи" зиммадаги қарзни 45 кун ичида юз фоиз узмоғи даркор эди. Афсуски, бундай бўлмади. Харидор томон оларнинг берари муқаррарлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Лафз унутилди. Хўш, қонун бу ҳолни узрли, деб ҳисоблай оладими?

Албатта йўқ. Амалда ҳам шундай бўлди. Мазкур масалани ўрганиб чиққан Тошкент шаҳар хўжалик суди даъвогар тараф — "Хива-Карпет"нинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилган вилоят адлия бошқармасининг 2 та талабдан иборат сўровини тўлиқ қаноатлантирди: асосий қарз 210 минг 656 сўм ва орадан кечган вақт мобайнида "болалаб", жами 105 минг 328 сўмга етган устамани жавобгар тарафдан мажбуран ундиришга қаратилган қарор қабул қилди.

Лафзсизлик оқибати рушноликка етакламаслигини афтидан Тошкентдаги яна бир нуфузли ташкилот — "Кооператорлар уйи" шўъба хўжалик жамияти раҳбарлари ҳам ниҳоят англаб етишди. Бунгача "Хива-Карпет" ва "Кооператорлар уйи" ўртасида 1,1 миллион сўмликка яқин қарздорлик мавжуд эди. Орадаги қарздорлик 2003 йилнинг сентябрида расмийлаштирилган 012/131 "а" сонли икки томонлама олди-сотди шартномасига биноан юзага келган ва харидор тараф ушбу тўлов мажбуриятини тўлиқ ҳолда ўн кунлик муҳлат ичида адо этишга расман ваъда берган ва 10 кун тугул 100 кун ўтса-да, лафзини бажаришга шошилмаган. Хўш, бунинг оқибати нимага етаклаши мумкин? Албатта — судга. Шеригининг ваъдасига ишониб, ўз молини унга қўшқўллаб тутқазган "Хива-Карпет" ва гиламини олиб, уни аллақачон ўз яхши кунларига ишлатиб юборган, ваъдасини эса буткул унутган "Кооператорлар уйи" ўртасидаги можаро ҳақиқатан ҳам, судда ечим топди. Хоразм вилояти адлия бошқармасининг Тошкент шаҳар хўжалик судига йўллаган даъво аризасида қайд этилишича, "Хива-Карпет" Ўзбек-Германия қўшма корхонаси "Кооператорлар уйи"дан ўз дебиторлик қарзини белгиланган маҳалда ундира олмаган. Бу эса унинг солиқ маҳкамаси олдидаги чиқимдорлигининг ортишига олиб келган, молиявий-иқтисодий фаолиятига путур етказган. Савдо шериги томонидан тўлови кўп ойлар мобайнида пайсалга солиб келинган ва суд қарори асосида ундирилиши кўзда тутилган 1 миллион 19 минг 200 сўмлик қарз "Хива-Карпет"га чиндан ҳам "ҳолва" ҳадя этгани йўқ. Гарчи суд жавобгар тарафга асосий қарзини тўлиқ узиш мажбуриятини юклаган бўлса-да, корхона даъво аризасида кўрсатилган юқоридаги муаммолардан қутулмади. Тўлови пайсалга солингани оқибатида бой берилган фойдани қоплаш муаммони оз бўлса-да, бартараф этиш имконини беради. Шундан келиб чиққан ҳолда шартноманинг тегишли бандига мувофиқ ҳар бир кечиктирилган кун учун асосий қарзнинг 0,4 жами эса 50 фоиздан зиёд бўлмаган миқдорда устама ундириш масаласи судга ҳавола этилди. Суд эса талаб этилган 509 минг 600 сўмлик устаманинг ярми, яъни 254 минг 800 сўмини ундириб беришга қарор қилди. Айни пайтда суд даъвогар тараф дебиторлик қарзини ўз вақтида ундириш чораларини кўрмаган ва оқибатда устама миқдори сунъий равишда ортган, деб ҳисоблади. Суднинг бу қарорига эътирозимиз йўқ. Аммо умуман олганда, қарздорнинг молиявий ночорлиги устама қўллаш ҳақидаги талабни қисман ёки тўлиқ рад этишга сабаб бўла оладими? Бироқ шуни ҳам таъкидлаш зарурки, молиявий ночорлик ҳолати шартнома муддати давомида кутилмаган тарзда, бехосдан ёки қарздорга боғлиқ бўлмаган объектив сабабларга кўра содир бўлса, буни албатта, инобатга олиш керак. Аксинча ҳолларда эса қарздорларнинг аксарияти масала судга етганда ўз ночорлигини баҳона қилиб, сувдан қуруқ чиқиб кетмаслигига ким кафолат бера олади? Жазо ва жаримадан қутулишга бўлган ишонч насия савдонинг авж олиши ва чўнтаги кемтигу, тили бурро ваъдабоз "ҳамкор"ларга кўпроқ қўл келмасмикан? Шундай бўлгач, ушбу масала қаерда ва ким томонидан кўтарилмасин, унга атрофлича ва холис ёндашилмоғи, етти ўлчаб, бир кесилмоғи зарур. Акс ҳолда дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тугатиш масаласи ечим топмай қолаверади.

Лекин асосий масъулият барибир молни олган ва сотган тарафларнинг раҳбарлари зиммасида эканлигини унутмаслик даркор. Башарти, қонун талаби тўлиқ адо этилса, ишлар равон кечиб, молни олганлар ҳам, сотганлар ҳам бирдай манфаат топади.

**Қаҳрамон МАШАРИПОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Shaxsiy fikr

## ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА

Шу йилнинг 26 декабрида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида улкан воқеа — икки палатали Парламент учун сайловлар бўлиб ўтади. Бўлажак сайловларнинг муҳим аҳамияти шундаки, давлатчилик тарихимизда илк маротаба профессионал парламент ташкил этилади.

Ўтказилажак сайловлар фуқаролар учун сиёсий ҳаётда иштирок этишга кенг имконият яратади. Бу эса парламентнинг қандай бўлиши ва қай тарзда фаолият юритиши ҳар биримизга боғлиқ эканини англатади. Шу боис ҳар бир шахс парламентнинг шаклланишига таъсир кўрсатиши ва ўз ўрнини тўғри белгилаши учун онгли равишда ўзи ҳаракат қилиши зарур. Бу ўз навбатида фуқаролардан сайлов қонунчилигини, унга киритилган ўзгаришларни яхши англаб олишни тақозо этади.

Шу ўринда мамлакатимиз қонунчилигида баён этилган масала қай даражада ўз аксини топган, деган савол туғилиши табиий. Янги таҳрирдаги **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**ги қонунда янги Парламентни ташкил этишнинг барча масалалари демократик ва халқаро андозаларга мос равишда ҳал этилган. Мазкур қонун сайлов ўтказишдаги умумий, тўғри, тенг, яширин овоз бериш, сайловда эркин хоҳиш билдириш, муқобиллик ва ошкоралик тамойилларини янада кенгайтирган ва такомиллаштирган.

Парламент фаолиятини такомиллаштириш назарияси ва амалиёти демократияни янада ривожлантириш, ҳуқуқий давлат барпо этиш вазифаларини рўёбга чиқаришни ўз ичига олади. Зеро, парламентаризм — ҳуқуқий давлатчилик, фуқаролик жамияти тараққиётининг асосий шарти ҳисобланади.

Кучли парламентда ишлаб чиқариладиган қонунлар кудратли кучга эга, нуфузи юқори бўлиши табиийдир. Чунки унда жамият халқ ҳокимиятчилиги ва қонун нуфузини таъминлашнинг самарали воситасига эга бўлади.

Шу боис қонунчилик палатасига вакил қилиб сайланаётган депутатларимизни ўзимиз депутат бўлаётгандек, уларга ҳар биримиз ўзимизга ишонгандек ишониб виждонан сайлашимиз зарур. Бу жамият ва юртимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаларимиздан бири бўлади.

**Аҳрор ЭРГАШЕВ,**
**талаба**

Qonun dastagi

*Мамлакатимизда пахтачилик билан бир қаторда бошоқли дон етиштиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бу изоҳ талаб этилмайдиган ҳақиқат. Чунки буғдой эл-улуснинг ризқ-рўзи, тўкин-сочинлик, фаровон ҳаёт манбаидир.*

# ДЕҲҚОН МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Уйчилик Собиржон Усубжонов ҳам ўтган йил куз ойларида Уйчи туманидаги "Уйчи" ширкат хўжалиги билан 16-сонли ички хўжалик шартномасига имзо чекиб, 4 гектар майдонга буғдой уруғини сепган эди. Ҳосилдорлик гектар бошига 57,5 центнердан белгиланиб, ялпи хирмон 23 тоннани ташкил этади. Бироқ ҳолва дегани билан оғиз чучимайди. Буни юракдан ҳис этган деҳқон белни маҳкам боғлаб, яхши ниятда ишга киришади.

Пудратчи киш бўйи буғдойзорни қўриқлаб, экинни пайҳон бўлишига йўл қўймади. Эрта баҳордан буғдой парваришига янада зўр берди. Экин майдони бегона ўтдан тозаланди.

Ҳадемай буғдойга ўроқ тушди. Ғалвир сувдан кўтарилди. Собиржон Усубжонов бошлиқ оилавий пудратчилар кўзланган режадан ортиқ, яъни 7775 килограмм буғдой хирмонини уюшга эришди.

Юқорида қайд этилган 16-сонли шартноманинг 9-бандида **"Ғалла етиштирувчи хўжалик пудратчиларга шартномада белгиланган миқдордан ортиқча етиштирилган маҳсулотни натура ҳолда тўлиқ бериши шарт"** деб кўрсатилган. Бироқ ширкат хўжалиги раиси Р.Расулов мазкур шартноманинг ушбу бандига амал қилмай, уни қўпол равишда бузади. Бу билан у оилавий пудратчи С.Усубжоновга моддий зарар етказади. Пудратчига натура ҳолда берилмаган 3705 килограмм буғдойнинг ҳар бир килограмми ҳозирги кундаги бозор баҳоси 150 сўмга тўғри келади.

Буни пулга чаққанда 555.750 сўмни ташкил этади. Юқорида қайд этилган 16-сонли шартноманинг 9-банди 2-қисмида **"Хўжалик режадан ортиқча етиштирилган маҳсулотни тўлиқ беришдан бош тортса, тўлаб берилмаган маҳсулот қийматининг 15 фоиз миқдорида жарима ҳамда кечиктирилган ҳар бир кун учун маҳсулотнинг тўлаб берилмаган қисми ҳисобидан 0,4 фоиз миқдорида устама тўлайди"**, деб алоҳида қайд этиб қўйилган.

Хўш, шундай экан, "Уйчи" ширкат хўжалиги оилавий пудратчи С.Усубжоновга топширилган маҳсулотнинг натура ҳолида ёки унинг қийматини тўламагани учун кечиктирилган ҳар бир кунга тўланмаган маблағнинг 0,4 фоиз миқдорида устама тўлаши керак. Ширкат хўжалиги амалдаги йилнинг 1 августидан 15 сентябрига қадар, яъни 46 кун мобайнида оилавий пудратчига режадан ортиқ етиштирилган 3705 килограмм ғаллани ёки унинг қийматини бермаган. Демак, бу 555.750 сўмни ташкил этади. Тўловни кечиктирилган ҳар бир куни учун устама 102.258 сўм. Хуллас, пудратчи бугунги кунда ширкат хўжалигидан жами 658008 сўм миқдорида ҳақдор бўлиб турибди.

Бундан ташқари, "Уйчи" ширкат хўжалиги раиси амалдаги йил ҳосилидан 62,5 тонна буғдойни бошқа ташкилотларга сотиб юборган.

Вилоят адлия бошқармаси юқоридагиларга ҳамда Фуқаролик кодексининг 15, 333, 985-моддаларига, **"хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг 24, 32, 35-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарори талабларига асосан оилавий пудратчиларнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судга даъво аризасини киритди. Мазкур даъво аризалар қисқа фурсатларда ўзининг ижобий якунини топади. Оилавий пудратчиларнинг жами 3 миллион 258 минг 408 сўм ҳақи ўз эгаларига қайтарилади. Бундан нафақат деҳқон, балки кўпчилик манфаатдор бўлади.

**Анваржон ТУРСУНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Qonun ko`magi

*Мамлакатимизда амалда бўлган "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунда мажбуриятларнинг бажарилиш тартиб-қоидалари аниқ белгилаб берилган. Албатта, бу тартиб-қоидаларга оғишмай амал қилиш ҳар қандай бажарувчи учун мажбурий саналади. Аммо айрий жойларда контрактация шартномаларининг бажарилиш жараёнига совуққонлик муносабати билан қараш ҳоллари ҳам мавжуд.*

# ЭЪТИБОРСИЗЛИК

## У ҚИММАТГА ТУШДИ



Жорий йилнинг 11 июнида "Пол-дивест" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ва **"Қўғирот ун заводи"** акциядорлик жамияти ўртасида полипропилен қоплари таъминоти юзасидан контрактация шартномаси тузилган. Шартномага кўра, қўшма корхона "Қўнғирот ун заводи" акциядорлик жамиятиға умумий нархи 4.200.000 сўмга тенг бўлган 30.000 дона полипропилен қоплари етказиб берган. Таъкидлаш жоизки, қопларнинг сифати ва миқдорига акциядорлик жамияти томонидан ҳеч қандай эътироз билдирилмаган. Бироқ оғирнинг усти, енгилнинг ости билан юришни хаёл қилган акциядорлик жамияти раҳбар ходимлари шартнома шартлари ижросига келганда, ваъдани бутунлай унутиб қўйишган ва шу зайлда қўшма корхона ҳисобига ҳеч қандай миқдорда пул ўтказиб беришни лозим топмаган.

Суд жараёнида даъво аризасида кўрсатилган тўлов миқдори моҳиятан тан олинган бўлса-да, жавобгар томон вакили Н.Сафарбоева дон маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлардан тегишли миқдордаги қарз маблағларининг ундмаётгани сабабли "Қўнғирот ун заводи" акциядорлик жамияти иқтисодий танг аҳволга тушиб қолганини важ қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Аммо сувдан қуруқ чиқишни истаган масъул ходимнинг важкарсонлар инобатга олинмади. Суд "Қўнғирот ун заводи" очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳисобидан "Пол-дивест" қўшма корхонаси фойдасига 4.200.000 сўмлик асосий қарз ва тўловнинг кечиктирилган кунлари эвазига 1.743.000 сўмлик устама ундириш ҳақида қарор қабул қилди.

"Нукус-нон" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг "Пол-дивест" қўшма корхонаси олдидаги қарздорлиги барчасидан ошиб тушди. Олмоқнинг бермоғи борлигини хаёлига келтирмаган "Нукус-нон" акциядорлик жамияти 2003 йилнинг 5 декабрида икки томонлама имзоланган контрактация шартномаси асосида қўшма корхонадан 193.400 дона полипропилен қоплари қабул қилиб олди. Бу эса нақ 29.010.000 сўм дегани эди.

Бундай катта маблағни ўз вақтида қайтариш ҳазилакам гап эмасди. Шуваждан "Нукус-нон" акциядорлик жамиятидагилар ўз ҳамкорлари олдидаги қарзни "унутиб" қўйишди. Қонун эса бундай лафзсизликни кечирмайди. Шундай бўлди ҳам. Суд қарори билан "Нукус-нон" акциядорлик жамияти 29.010.000 сўмлик асосий қарз ва 5.850.000 сўмлик устама тўловлари ҳамда 7.500.000 сўмлик жарима жазосига тортилди.

Таъкидланганидек, "Қўнғирот ун заводи" ва "Нукус-нон" очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари "Пол-дивест" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасидан полипропилен қоплари қабул қилиб олишган. Нақлда ифодаланишича, бўш қоп тик турмайди. Шу боис ҳар иккала акциядорлик жамиятлари мутасадди ва хизматчилари қопларни керакли маҳсулотларга тўлғазиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатишди. Қоплар тўлди. Лекин афсуски, иккала жамоа мутасаддилари зиммадаги бурч ва мажбуриятлари ижроси билан ҳамкор кўнглини тўлғазишни ўйлашмади. Уларнинг бу субутсизлиги яроқсиз бўш қопларни эслатади.

**Умар ЖУМАНАЗАРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Muloqot

## «ЧАҚИРУВ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?»

**САВОЛ:** ***Ўғлим бу йил 18 ёшга тўлди. Айрим сабабларга кўра, у 9 синфдан сўнг ўқишни давом эттиролмади. Маълумки, 11-синф ўқувчиларининг рўйхати улар мактабни тугатаётган чоғда ҳарбий комиссариатга топширилади ва шу асосда ҳарбий хизматга чақирилади. Саволим қуйидагича: ўғлим қаердаги рўйхат асосида ҳарбий хизматга чақирилади?***

**Б.БЕКМУРОДОВ**
**Музробод тумани**

— **"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"**ги қонуннинг 15-моддаси 1-бандига мувофиқ тинчлик вақтида саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақирув куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йилига икки марта ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилингандан кейин ҳар бир чақирилувчи, шу жумладан, вақтинча рўйхатда турган чақирилувчи чақирув қоғозида кўрсатилган муддатда чақирув пунктида ҳозир бўлиши шарт. Муддатли ҳарбий хизматни ўтамаган ва ҳарбий рўйхатга киритилмаган чақирув ёшидаги фуқаролар, шунингдек, доимий истиқомат жойидан вақтинча бошқа жойга кетиб қолган ва у ерда ҳарбий рўйхатда турмаган чақирилувчилар турар жойларидаги мудофаа ишлари идораларига боришлари шарт.

Демак, ўғлингиз турар жойларидаги мудофаа ишлари идораларига бориши ва ҳарбий хизматга чақирилиши ҳақидаги керакли маслаҳатни олиши лозим.

## «КИМ ВАКОЛАТЛИ?»

*— Мен 1989 йилдан буён туман марказий шифохонасида кадрлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлайман. Ташкилотимизда ишлайдиган бир ходим (1939 йилда туғилган, кўп йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаган) II-гуруҳ умрбод ногиронлик нафақасига чиққани учун маъмурият ташаббуси билан 2004 йил 4 ноябрда ишдан бўшатилди. Лекин у ходим "менинг ишдан бўшашимда сенинг қўлинг бор", деб менга тазйиқ ўтказаяпти, конституциявий ҳуқуқимни поймол қилаяпти. Мен ўрта маълумотли ҳуқуқшуносман. Ўша ходимни ишдан бўшатаётган вақтда шифохонамизнинг олий маълумотли юристи иштирок этган ва барча ҳужжатларнинг тўғрилигини тасдқлаганидан сўнг буйруқ расмийлаштирилган. Саволим қуйидагича: бундай вазиятда мен ўзимни қандай ҳимоя қилишим керак? Умуман айтганда, ходимни ишдан бўшатиш ва ишга қабул қилиш менинг вазифамга кирадими ёки йўқ?*

**Саломат ҒОЙИПОВА,**
**Қамаши тумани**

**Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Меҳнат кодексининг 82-моддасига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилиш корхона раҳбари томонидан амалга оширилади ҳамда бу ҳаракатда ҳуқуқшунос ҳам бевосита иштирок этади.**

**Меҳнат шартномасини бекор қилиш, яъни шахсни ишдан бўшатиш ҳам Меҳнат кодекснинг 82-моддаси ва 107-моддасига мувофиқ раҳбар томонидан амалга оширилади. Ишдан бўшатиш ва қабул қилиш сизнинг вазифангизга кирмайди, балки сиз ҳужжатларни, буйруқларни қандай расмийлаштириш каби вазифаларни амалга оширасиз.**

**Агар сизга ишдан бўшатилган ходим томонидан тазйиқ ўтказилаётган бўлса, сиз бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишимиз мумкин. 107-модда 1-қисмига мувофиқ, меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан (раҳбар ва ҳуқуқшунос) амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади.**

**Саволларга Саломат НИЁЗОВА ва**
**Шерзод АБДУҚОДИРОВ жавоб берди.**

Tahlil ko`zgusi

# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК КЕЧИРИЛМАЙДИ

Албутта, тарозининг икки палласи тенг бўлиши лозим. Бу тадбиркор шартнома шартини бажардими, демак, шартномада кўзда тутилган мажбуриятлар ҳам дон қабул қилиш корхонаси томонидан вақтида уддаланмоғи лозимлигини англатади. Адлия бошқармаси вилоятдаги мавжуд дон қабул қилиш корхоналари томонидан шартнома шартларига риоя қилиниш аҳволини амалий ёрдам бериш йўли билан ўрганиб чиқди.

Ўрганишда маълум бўлдики, 2004 йилда дон қабул қилиш корхоналари билан дон харид қилиш юзасидан фермер хўжаликлари ўртасидаги контрактация шартномалари тузилишида 136 та, шартнома шартлари бажарилишида 252 та — жами бўлиб 388 та қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилган. Адлия бошқармаси Иштихон ва Пахтачи туманлари фермер хўжаликларининг манфаатини кўзлаб етказиб берилган дон маҳсулоти учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаган "Оқтошдон" акциядорлик жамиятидан 4 миллион 356 минг 800 сўмни ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига 32 та даъво аризаси киритганди. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари билан ана шу даъво аризалар тўлиқ қаноатлантирилди. "Оқтошдон" акциядорлик жамияти томонидан шартномаларнинг тўлов шартлари бажарилишидаги ҳаракатсизлик ва тўлов интизомини бузганлик учун жамият бош ҳисобчиси Т.Исматов суд қарори билан маъмурий жаримага тортилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси дон қабул қилиш корхоналарида ўтказилган ўрганишлар юзасидан аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича 4 та тақдимнома киритди. Киритилган тақдимномалар юзасидан 7 нафар кишига ҳайфсан берилган бўлса, 3 нафар мансабдор эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Шартнома тузилгач, унга бефарқ бўлиш ярамайди. Ҳар икки томон шартнома шартига қатъий амал қилиши, зиммасидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариши лозим. Бугунги кун талаби шундай.

**Пўлат АҲМЕДОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Luqma

## ВАЗИФА УНУТИЛГАЧ...

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги "**Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**"ги 205-қарори мамлакатимизда қўшма корхоналар сафини кенгайтириш, ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарни ташқи таъмирдан ва ички қоғозбозликлардан халос этишга қаратилган. Бунинг учун аввало улар ишига аралашавермаслик, халақит беришига йўл қўймаслик лозим.

Гулистон шаҳридаги "Олий-аудит" маркази аудитори А.Туротов шу йил 16 феврал куни марказ ва "Сирдарёгаз" ХГК ўртасидаги шартномага биноан "Мирзаободтумангаз" филиалига молиявий фаолият юзасидан текшириш ўтказиш учун борганида ушбу тумандаги "Чан-Чин" қўшма корхонасида ҳам текшириш ўтказган. Ҳолбуки, унга бундай ваколат берилмаганди. Боз устига, у Сайхунобод туманидаги "Пахтакор-ЛТД" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ҳам ўша кунлари текшириш олиб борган. Хўш, бундай ноқонуний текширишлар ўтказиш ушбу аудитор учун нимага керак бўлиб қолди? Мақсад — ваколат доирасига кирмаса-да, текшириш ўтказиб, ўзини кўрсатиб қўйиш бўлган.

Биргина аудитор сифатида ҳамма жойга кириб кетиш ҳам мумкин эмасди. Шу сабабли А.Туратов ўзига «Сирдарёгаз» ХГК инспекцияси 1 тоифали мутахассиси» деган гувоҳнома тўғрилаб олди. Гувоҳномада ёзилишича, у "**...газ таъминоти қурилмаларида куннинг исталган вақтида назорат текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга. Ҳамма корхона, ташкилотлар, идоралар раҳбарлари "Сирдарёгаз" ХГК инспекторларини қаршиликсиз киритишлари шарт**" эди.

Газ идораси ходими сифатида ҳам қўшимча вазифани зиммага олиш аудитор номига доғ туширди. У "**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**"ги қонуннинг бузилишига йўл қўйди. Ана шу айблари учун у тегишли жазосини олди, албатта. Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг тақдимномасига биноан у эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Бундан ташқари, "Оқ-олтин ПМБ" ОАЖ Ўзбекистон-БАР қўшма корхонаси бошқаруви ойлик иш ҳақи, 13 ойлик иш ҳақи ва дивидент пулларини «Миллий банк»нинг вилоят бўлимидан ололмаётгани ҳақида адлия бошқармасига мурожаат қилган эди. Маълум бўлишича, банк жами 224,8 миллион сўмдан зиёд пул маблағларини қўшма корхона ходимларига ўз вақтида тўланишини таъминламай келган. Текшириш якунига қадар бу маблағ 265,9 миллион сўмгача ўсиб боришига йўл қўйган.

Адлия бошқармаси юборган тақдимномага жавобда 80 миллион сўм нақд пул тўлангани ва ходимлар пул маблағининг 70 миллион сўми пластик карточкага ўтказиб берилгани маълум қилинди. Наҳотки, банк бўлими ўз вазифасини бажаришдан бўйин товлаб, қўшма корхона ривожига тўсиқ бўлиб келаётганини сезмаса?

**Жамшид ШУКУРОВ,**
**Иброҳим ҚОРАБОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Dakki

*Маълумки, контрактация шартномаси асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов корхоналари ўртасида тузилади. Тарафлар ўртасидаги муносабат оддий ва содда. Шартнома субъектларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиб, ундириб, парвариш қилиб етиштирувчи ҳисобланса, иккинчиси маҳсулотни қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қилиб олувчи корхона ҳисобланади.*

# ФЕРМЕРЛИК ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, томонлардан бири шартномада кўрсатилган ва келишилган мажбуриятларни бажармаса, қандай ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилади?

Фикримизни ойдинлаштириш учун қуйидаги мисолга мурожаат қилайлик. Жондор туманидаги "Яккатут" масъулияти чекланган жамият ва "Миржон" фермер хўжалиги ўртасида 2003 йил 9 ноябрда давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон харид қилиш бўйича 103-сонли контрактация шартномаси тузилади. Фермер хўжалиги раҳбари 8,8 тонна дон маҳсулотини белгиланган нархда, 8,9 тоннасини эса эркин нархда етказиб бериш учун шартномага имзо чекади. Иккинчи тараф эса фермерни тегишли миқдорда уруғлик билан таъминлаб, маҳсулотни қабул қилиб олгач, белгиланган муддат ва нархларда унинг қийматини тўлаш мажбуриятини олади.

Тарафлар ўртасидаги шартноманинг 2.1-бандига кўра, фермер хўжалиги шартномада кўрсатилган маҳсулотни қабул қилиш жадвалига асосан 2004 йил 10 августгача етказиб бериш мажбуриятини олади. Фуқаролик кодексининг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартлари ва қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

"Миржон" фермер хўжалиги шартномада кўрсатилган ҳосилнинг атиги 7,7 тоннасини етказиб берди, холос. 10 тонна — 865.900 сўм миқдоридаги маҳсулот "Яккатут" масъулияти чекланган жамиятга етказиб берилмаган.

Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш бўйича муносабатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган **«Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги** Низом ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади. Мазкур Низомнинг 67-моддаси талабига кўра, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шартномада белгиланган ассортимент ва турларда ҳамда муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товлаган тақдирда хўжалик тайёрлов ташкилотига топширилмаган маҳсулотнинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмагани туфайли юзага келган жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Қонун талабларини инобатга олиб, тайёрлов корхонаси Бухоро вилояти адлия бошқармасига фермер хўжалигидан 216.475 сўм жарима қийматини ундришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Шундан сўнг адлия бошқармаси "Яккатут" масъулияти чекланган жамият манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Суд мажлиси пайтида жавобгар турли баҳоналарни рўкач қилмоқчи бўлди. Жумладан, 10 гектар ўрнига 5 гектар ерга дон экканини баён этди.

Қолган 5 гектар ер майдони зах босгани ҳақида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳамда деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллари Р.Абдуллаев ва Б.Болтаев томонидан далолатнома тузилганини таъкидлади. Суд бу ҳолатни инобатга олмади.

Хўш, нега?

Бунинг сабаби оддий. Яъни далолатнома қонун талаблари асосида ва ваколатли мутахассислар томонидан расмийлаштирилмаган. Фермер хўжалигининг далолатнома тузиш ҳақидаги аризаси юқорида номлари тилга олинган ташкилотларда рўйхатга олинмагани кишида шубҳа уйғотиши табиий. Суд ҳайъати ва тарафлар вакиллари иштирокида фермер хўжалигининг ер майдони кўздан кечирилганида тескари ҳолат кўзга ташланди. Ер майдонининг далолатномада ўз аксини топган "Ванушка" зовури томонидаги қисмида ҳосилдорлик яхши эканлиги исботини топди. Фермер хўжалиги ер майдони қаровсиз ҳолга ташлаб қўйгани, инсон меҳрига ташналиги, мелиоратив ҳолати қониқарсизлиги, агротехник тадбирлар сифатсиз ўтказилгани ғоят ачинарлидир. Бунинг устига 5 гектарлик ернинг бир қисмига фермер қишлоқ хўжалик экинлари шартномасига қайд этилмаган шоли ва маккажўхори экинларини ҳам эккан. Аслида фермер хўжаликлари ижарага берилган ер участкаларидан қатъий мақсадга мувофиқ фойдаланишлари шарт.

Вилоят хўжалик суди жавобгар — "Миржон" фермер хўжалигидан даъвогар — "Яккатут" масъулияти чекланган жамияти фойдасига 216.475 сўмлик жаримани ундириб берди. Фермер Ш.Салимов шартномани бажарилишига эътибор қаратганида бугун жарима тўламаган бўлар эди.

Фермер ерга эгалик туйғусини чуқур ҳис этса, ҳалол меҳнат қилиб давлат буюртмасига асосан маҳсулот етиштирса, шартнома мажбуриятлари, Ер кодекси талабларига қатъий амал қилса, марра — уники. Ҳақ-ҳуқуқини билган, тадбиркор, узоқни кўзлайдиган, ерни эъзозлайдиган фермернинг йўли равон, қўли баланд бўлиб бораверади. Ғирромлик, алдаш — у учун ёт тушунча.

**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# СУД БУЙРУҒИ ИНСТИТУТИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича суд буйруқлари қонунчиликда белгиланган қатъий қоидалар асосида, фақат мулкий хусусиятдаги талаблар юзасидангина чиқарилади. Мулкий хусусиятда бўлмаган ёки кўчмас мол-мулкларни ундиришга қаратилган талаблар юзасидан суд буйруқлари чиқаришга қонун йўл қўймайди.

Фуқаролик процессуал қонунчилигида суд буйруқлари чиқаришнинг қуйидаги талаблари ўз ифодасини топган:

**1) агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;**

**2) агар талаб ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган бўлса;**

**3) агар вояга етмаган бола учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларнинг жалб этиш зарурияти билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса** (ФПКнинг 238 (2)-моддаси).

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида суд буйруқларини чиқариш институти нисбатан янги институт ҳисобланади. Лекин шундай бўлса-да, мазкур институт хўжалик судлари томонидан бир неча йилдан буён қўлланилиб келинади. Хусусан, 1997 йил 30 августда қабул қилинган Хўжалик процессуал кодексининг **“Суд буйруқлари”** деб номланган 14 бобида суд буйруғи асосида қарзни ундириш, суд буйруғи бериш бўйича талаблар, аризани қабул қилишни рад этиш асослари, суд буйруғини бериш тартиби, уни беришни рад этиш асослари каби қоидалар ўз аксини топган.

Мазкур кодексга биноан суд буйруқларини бериш асослари фуқаролик ишлари юзасидан суд буйруқларини чиқариш асосларидан бир мунча фарқ қилади. Хусусан, ХПКнинг 103-моддасига кўра, суд буйруғи судья томонидан қуйидаги ҳолларда якка тартибда берилади:

**1) солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни ундиришни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб;**

**2) ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб;**

**3) талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса.**

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар ФПКнинг 145-моддасига кўра, судловга тааллуқлиликнинг умумий қоидалари бўйича берилади. Унга кўра, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади.

Бундан ташқари, процессуал қонунчилик суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар учун даъвогарнинг танлаши бўйича суд қоидаларини ҳам белгилайди. Мисол учун судга алимент ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинганда, аризалар ФПКнинг 241-моддасига кўра, аризачи яшаб турган жойдаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин. Суд буйруғини чиқариш тўғрисида судга ёзма шаклда ариза билан мурожаат қилиш талаб этилади.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза ундирувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан берилаётган аризага унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат илова этилиши лозим. Суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза берганлик учун Вазирлар Маҳкамасининг **“Давлат божи ставкалари тўғрисида”**ги 533-сонли қарорида даъво ишларини юритиш учун белгиланган тартиб ва миқдорда давлат божи ундирилади. Хусусан, агар пул маблағларини ундириш тўғрисидаги талабларнинг баҳоси энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача бўлган аризалардан талаблар баҳосининг 5 фоизи, талабларнинг баҳоси энг кам иш ҳақининг 20 дан 40 бараваригача бўлганда 10 фоизи, талабларнинг баҳоси энг кам иш ҳақининг 40 дан 80 бараваригача бўлганда 15 фоизи, талабларнинг баҳоси энг кам иш ҳақининг 80 бараваридан кўп бўлганда эса 20 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Фуқаролик ишлари юзасидан суд буйруғини чиқариш учун тўланган давлат божи суд томонидан қайтариб берилиши ҳам мумкин. Жумладан, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш суд томонидан қуйидаги асосларга кўра рад этилган тақдирда тўланган давлат божи ундирувчига қайтарилади:

**1) ариза судда кўришга тегишли бўлмаса;**

**2) суднинг айнан ўша тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса;**

**3) суд айнан ўша тарафлар ўртасида, айнан бир предмет тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;**

**4) тарафлар ўртасида ушбу низони кўриш учун ҳакамлар судига топшириш тўғрисида шартнома тузилган бўлса;**

**5) иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаса;**

**6) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;**

**7) манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса.**

Суд буйруғи чиқарилгач, судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юборади. Суд буйруғини кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қарздор арз қилган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқ чиқарган судга юборишга ҳақли.

Агар белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътироз тушса, судья суд буйруғини бекор қилиб, бу ҳақда ажрим чиқаради. Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ажримда судья ундирувчи арз қилган талаб даъво ишларини юритиш тартибида тақдим этиши лозимлигини тушунтиради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримни нусхалари ажрим чиқарилганидан сўнг уч кундан кечиктирмай тарафларга юборилади.

**Talab, taklif, mulohaza**

Агар белгиланган муддатда қарздордан судга эътироз тушса, судья суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғини ижро этишга тақдим қилиш учун ундирувчига беради. Ундирувчининг илтимосига кўра, суд буйруғи ижро этиши учун бевосита суд томонидан юборилиши мумкин.

Қарздордан давлат божини ундириш мақсадида суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғининг алоҳида нусхаси ижро этиш учун бевосита суд томонидан юборилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича хорижий тажрибаларини инобатга олиб, фуқаролик ишларини ҳал қилишнинг соддалаштирилган, кам харажатли ва айтиш жоизки, самарали усулларидан фойдаланиш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов **“...фуқаролик ишларини қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш лозимлиги”**ни бу борада бошқа **“...мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиш долзарб вазифа”** бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Шундай экан, фуқаролик ишларини кўриб, ҳал қилишнинг соддалаштирилган усулларидан кенг фойдаланиш, шахсларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тез ва самарали ҳимоя қилиш учун шароит яратиб бериш мақсадида, бизнингча, суд буйруқларини бериш учун қонунда белгиланган талаблар доирасини мумкин қадар кенгайтириш лозим. Масалан, нотариал тасдиқланган битимларга асосланган талаблар юзасидан, солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни ундиришни фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги талаблар ҳамда ходим ҳисобига ёзилган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ундиришга қаратилган талаблар бўйича суд буйруқлари бериш мумкинлиги фуқаролик процессуал қонунчилигимизда ўз аксини топса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

**Anjuman**

# МАЛАКАЛИ ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ – МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан киритилган даъво аризасига кўра хўжалик судининг 2004 йил 24 августдаги қарори билан туман ҳокимининг фармойиши бекор қилинди, ноқонуний ундирилган маблағлар тадбиркорларга қайтарилди.

Шунингдек, аксарият ҳолларда туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан ноқонуний қарор қабул қилинишига ҳуқуқшуносларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараётгани сабаб бўлмоқда. Чунки бекор қилинган қарор ва фармойишлар ҳуқуқшунослар томонидан имзоланганлиги шундан далолат беради.

Адлия вазирлиги томонидан жойларда ўтказилаётган ўрганишлар натижасида туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги **“Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”**ги қарори талабларига тўлиқ риоя қилмаётгани аниқланмоқда. Энг ёмони, ҳанузга қадар тадбиркорларни давлат рўйхатига олишда улардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш, белгиланган муддатларни бузиш, белгиланган миқдордан ортиқча давлат божларини ундириш, тадбиркорлик субъектларининг объектларини муҳандислик коммуникацияларга улашни ҳал этиб бермаслик каби ҳолатларга барҳам берилмаган. Хусусан, шаҳар ва туман инспекциялари томонидан фақатгина жорий йилнинг 9 ойи давомида 14.635 та ҳолатда юқорида қайд этилган қонунбузилишларга йўл қўйилган. Бундай қонунбузилиш ҳолатлари кўпроқ Бухоро (2000 та), Жиззах (1303 та), Қашқадарё (1446 та), Фарғона (1399 та) ва Хоразм (1516 та) вилоятларида содир этилган.



Юқоридаги каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан Адлия идоралари томонидан кўрилган чоралар натижасида фақатгина жорий йилнинг 9 ойи мобайнида маҳаллий ҳокимият идораларининг 436 нафар масъул ходимлари интизомий жавобгарликка тортилган ва улардан 83 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Мазкур семинарларни бевосита жойларда маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳуқуқшунос мутахассислари иштирокда ўтказилиши уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ва туман ҳамда шаҳар ҳокимлари томонидан ноқонуний қарор ва фармойишларни қабул қилинишини олдини олишга амалий ёрдам беришга хизмат қилади.

**Абдураҳмон САФОЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

**Ajab savdolar**

# ХАТОМИ ЁКИ АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК?..

Мамлакатимизда фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи қонун асосида кафолатланган. Кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги миллий дастурнинг қабул қилингани бу борадаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди. Бир сўз билан айтганда, ўқиш ва таълим олиш учун юртимизда зарур шароит яратилган. Бунинг натижаси ўлароқ кўплаб ёшлар турли олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда билим олишмоқда. Шу билан бирга бу борада ҳали ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.

Қуйида баён этиладиган воқеа ана шундай муаммолар сирасига киради. *“...Мен 1998 йилда катта бир орзулар билан Термиз Давлат Университетига ҳужжатларимни топширдим. Тест синовидан муваффақиятли ўтиб, биринчи босқич талабаси бўлдим. 4 йил давомида ушбу илм даргоҳининг иқтисодиёт бўлимининг кундузги тизимида таҳсил олдим. Битирув давлат имтиҳонларини қониқарли топширдим. Иқтисодиёт кафедрасининг мудири Эркин Бўронов раҳбарлигида диплом ишини ёқладим. 2002 йилда иқтисодиёт факултети декани Б.Жўраев ўз имзоси ва муҳр билан тасдиқланган маълумотномани қўлимга тутқазиб, ишга бориб жойлашишим, сўнг диплом олишимни айтди. Ана шундан сўнг орадан икки йилдан кўпроқ муддат ўтаётган бўлса-да, диплом ололмай овораман. Эмишки, буйруқда йўқ эканман...”*

**Жарқўрғон тумани, “Сурхон” қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шуҳрат Аҳматовнинг таҳририятга йўллаган шикоят хатидан.**

Мазкур шикоят хатини ўрганиш мобайнида маълум бўлдики, Шуҳрат Аҳматов ҳақиқатдан ҳам, Термиз Давлат Университетининг иқтисодиёт факултетида кундузги бўлимида ўқиган. Тўрт йил мобайнида синов ва имтиҳонларни муваффақиятли топширган. Буни синов дафтарчаси ва университет домлаларининг имзолари, расмий муҳрлар ҳам яққол тасдиқлайди. Университетнинг кадрлар бўлими бошлиғи Холмат Бекмуродов ҳам ҳужжатларнинг қалбаки эмаслигини эътироф этди. Лекин у ҳам калаванинг учи қаерда экани ҳақида лом-лим дейёлмади. Аксига олиб, шу куни университет мутасаддилари Тошкентга кетишган экан. Шу боис масалага ойдинлик киритолмадик.

— Жарқўрғондан Термизга қатнашдан армоним қолмади, — дея бизга кўнглини ёрди Шуҳрат Аҳматов. — Университетни тугатганимдан сўнг илм даргоҳининг раҳбарияти бир неча бор алмашди. Дастлабки пайтларда иқтисодиёт факультети декани Б.Жўраевнинг “Дипломинг ҳал бўлаяпти. Яқинда Тошкентга бориб келдим. Тез орада қўлга оласан” деган ваъдаларига ишониб юргандим. Афсуски, у мени алдаган экан.

Энди нима қилишимни билмай қолдим.

Дарҳақиқат, Шуҳрат тақдим этган яна бир ҳужжат ҳам унинг ушбу илм даргоҳида таҳсил олганини тасдиқлаб турибди. 2000 йилнинг 16 май куни талаба Шуҳрат Аҳматовга берилган 962-сонли ушбу маълумотномада у Термиз Давлат Университетининг иккинчи курси талабаси экани собиқ ректори Н.Тўраев имзоси, кадрлар бўлимининг муҳри билан тасдиқланган.



O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Termiz Davlat Universiteti

REYTING DAFTARCHASI №

Bakalavr ta'lim bosqichi

Talabaning Axmatov Shuhrat

Ta'lim yo'nalishi iqtisodiyot

Fakulteti iqtisodiyot

Rectorning 2002 yil 26 ... 435 ... so buyrug'i bilan ... kursga qabul qilin...

O'quv ishlari bo'yicha prorector

Fakultet dekani

Университет муҳри босилган ва иқтисодиёт факултети декани имзоси билан тасдиқланган яна бир ҳужжатда Шуҳрат Аҳматов 1998 йил 26 июл кунидаги 435-сонли университет ректорининг буйруғига биноан иқтисодиёт факултетига ўқишга қабул қилингани баён этилган.

Хуллас, ҳужжатлар Шуҳратнинг тўрт йил мобайнида кундузги бўлимда таҳсил олганини исботлайди. Лекин унга негадир диплом берилмаяпди? Шу ўринда савол туғилади: хўш, ким ҳақ? Янаям тўғрироғи, бунга ким айбдор? Ахир, тўрт йил шартнома асосида кундузги бўлимда ўқишнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, масаланинг маънавий жиҳати бундан-да муҳимдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тез орада мутасадди идоралар бу муаммони адолатли ҳал этишади. Чунки мамлакатимизда ҳар қандай масала қонун асосида ечим топади.

**Собир ЁДИКОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**



*Виқорли тоғлар*

**Jamiyat maqsadi**

# КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

## зурриёднинг жисмоний ва ақлан соғлом бўлишни тақозо этади

Инсон ҳаёт гултожи. Лекин инсон умри турлича кечади. Зеро, киши ҳаёти қувонч ва шодликларга бой кунлар баробарида, афсуски, ғам ва андуҳли дамлардан ҳам иборат бўлади. Умуман, бу ҳаётда тўкис бахтли инсонларни кўриб дилдан севинасан, ҳавас қиласан, айни чоғда омад кулиб боқмаган, бахти ярим, қалби ўксик кишиларнинг қисматидан эса ачинасан.

ФҲДЁ бўлимида инсонлар баъзида англаган, баъзида англамаган ана шундай аччиқ ва ширин ҳаёт мавжуд. Бу ерда инсон туғилишдан то вафот этишича бўлган ҳолатлар қайд этилади. Ана шу жараёнда қувончи ҳам, қайғуси ҳам инсон қалбини япроқдек титратувчи ҳаётнинг ишларига боқиб унинг бир бешафқат синов эканига амин бўлади киши. Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этаётганда кишининг қалби ажиб бир ҳис-туйғуларга тўлади. Чунки умр ришталарини бир-бирига боғламоқчи бўлган ва аҳду паймонларини қонуний мус-



таҳкамлаш мақсадида келган ёшлар юз-кўзларида бахт учқунлари порлаб туради. **“Биз фарзандли бўлдик, унинг исмини ўзингиз қўйиб берсангиз”** дея келган ёш ота-онанинг қувончини таърифлашга тил ожиз.

Табиийки, инсон бахтли яшаш ва ўзидан ҳам баркамол, соғлом авлод қолдириш учун дунёга келади. Бу эзгу ва улуғ мақсад амалга ошишининг асоси бўлмиш оила, никоҳ ва фарзанд Аллоҳ томонидан фақат инсонгагина насиб қилинган илоҳий бахтдир. Шундай экан, бир ёстиққа бош қўйишни ният қилган йигит ва қиз оила нима эканини билиши, оилавий ҳаёт масъулиятини ҳис қилиши, бир-бирининг руҳий ва жисмоний ҳолатидан хабардор бўлиши шарт.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

**Jahon tajribasi**

# МЕҲНАТГА ОИД СУДЛАР

***Дунёнинг барча давлатларида меҳнат низоларини ҳал этиш долзарб масала ҳисобланади. Шунингдек, аксарият меҳнат низолари судлар, айрим ҳолларда маъмурий идоралар томонидан ҳал қилинади.***

Таъкидлаш жоизки, меҳнат низолари бўйича махсус судлар фаолияти, уларнинг тузилиши ва таркиби юзасидан хорижий давлатларда муайян тажриба тўпланган. Жумладан, Францияда меҳнат низолари бўйича махсус судлар 1806 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади.

Шунингдек, бу мамлакатда меҳнат низолари бўйича махсус судлар ўз фаолиятини тарафларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлилиги тамойили асосида амалга оширади. Мазкур суд судьялари беш йил муддатга сайланиб, номзодлар тадбиркорлар ва касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан таклиф қилинади. Судьяларни сайлаш ҳуқуқига 16 ёшга тўлган шахслар эга бўлса, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган 21 ёшга тўлган француз фуқароси судья сифатида сайланиши мумкин. Айтиш жоизки, бундай судьялар учун юридик маълумот талаб этилмайди.

Низоли ишларни кўришда судьяларга котиб ёрдам беради. Суд котиби вазифасини департамент бошлиғи (префект) томонидан тайинланган мансабдор шахс амалга оширади. Бу мансабдор шахслар профессионал юристлардан тайинланади ва ишни ҳал қилишида маслаҳат овозига эга бўлиб, шу орқали суд фаолиятига сезиларли даражада ўз таъсирини кўрсатади.

Меҳнатга оид суд ишлари асосан ишлаб чиқариш, савдо, қишлоқ хўжалиги соҳасида ташкил этилган махсус инстанцияларда кўриб ҳал этилади. Ҳар бир инстанция икки бўлимдан: 1) келишув; 2) судловдан иборат.

Даставвал шикоятлар мажбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва ёпиқ мажлисда низони келишув асосида ҳал этишга ҳаракат қилинади. Келишув босқичида икки томондан сайланган судьялар иштирок этади.

Улар тарафларни ишни келишув асосида тугатишга чақирадилар. Келишувга эришиш бир томоннинг даъводан воз кечиши ёки иккала томоннинг ҳам ўзаро тенг манфаатлар асосида келишув битимларини тузишида ўз ифодасини топади. Тарафларнинг келишув битими суд ҳал қилув қарори кучига эга бўлган баённома билан расмийлаштирилади.

Иш юзасидан келишувга эришилмаган тақдирда эса иш судлов бўлимида мазмунан кўриб чиқилиб, ҳал қилинади.

Судлов бўлими ҳар бир томондан биттадан, лекин камида икки судьядан иборат таркибда иш олиб боради. Мазкур босқичда суд котибининг иштирок этиши мажбурий ҳисобланади. Меҳнат низолари бўйича судларда суд жараёни қонунда белгиланган қоидалар асосида олиб борилади. Шу билан бирга бу жараёнда бир қатор процессуал хусусиятлар мавжуд: **биринчидан,** давлат божи ундирилмайди, **иккинчидан**, процесс оддий, тез ва оғзакилик тамойили асосида очиқ суд мажлисида олиб борилади. Мазкур процессда адвокатнинг иштироки мажбурий эмас. Ходимларнинг вакили сифатида касаба уюшмалари, уларнинг ҳамкасблари ва яқин қариндошлари ҳам суд процессида иштирок этиши мумкин.

Ишни кўриш жараёнида суд тарафлар ва улар вакилларининг тушунтиришини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглайди, эксперт хулосаларини текшириш орқали далилларга баҳо беради.

Процесснинг муҳим жиҳатлари — касаба уюшмасининг фаол иштирокида кўринади. Меҳнат низоларининг ҳал этилишида касаба уюшмалари қуйидаги ваколатларни бажарадилар: ходимларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатади ва уларнинг вакиллари сифатида ишда иштирок этади. Ҳатто айрим ҳолларда ходим номидан якка меҳнат низоларини қўзғатиши ҳам мумкин.

Шунингдек, қонунда махсус кўрсатилган ҳолларда, касаба уюшмалари жамоа манфаатларини қўллаб-қувватлаб, судга иштирок этиши ҳам мумкин. Мазкур ҳолатда касаба уюшмалари бир гуруҳ ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс сифатида иштирок этади. Ушбу ҳолатда касаба уюшмаси вакилнинг процессда иштирок этиши ходим томонидан бериладиган топшириқ тарзида расмийлаштирилиши талаб этилмайди, фақатгина ходим ўзининг манфаатларини касаба уюшмаси ҳимоя қилиш истагини билдирганлиги тўғрисида огоҳлантиргани ва бунга қарши эмаслигининг ўзи етарли ҳисобланади.

Меҳнат ишлари юзасидан суднинг ҳал қилув қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Агар овоз беришда бўлиниш мавжуд бўлса, мазкур судлов бўлимининг ўзида янги суд музокараси белгиланади ва ушбу мажлисга фуқаролик судининг судьяси таклиф этилади. Ўз навбатида мазкур судья суд мажлисига раислик қилади. Ушбу процессда раислик қилувчи судья иш юзасидан ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

Даъво талабининг суммаси 21.500 франк (1998 йил)дан ошмаса, суднинг ҳал қилув қарори қатъий ҳисобланади. Агар ушбу сумма 21.500 франкни ташкил этса ёки ундан ошса, тарафлар бир ой ичида апелляция судига шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Апелляция судида меҳнат ишлари малакали судьялар томонидан ихтисослашган ижтимоий палатада янгидан кўриб чиқилади.

Апелляция суди мажлиси учта судьядан кам бўлмаган тартибда олиб борилади ва бу судьялардан бири раислик вазифасини бажаради. Суд ишида прокурор иштирок этиши шарт, адвокатнинг иштироки эса мажбурий ҳисобланмайди.

Апелляция судлари суднинг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш ёки уни бекор қилиш ваколатига эга.

Апелляция ва биринчи инстанция прюдоминал судларининг даъво талаблари миқдори 21.500 франкгача бўлган ҳал қилув қарорлари устидан икки ой ичида кассация судига шикоят билан мурожаат қилиш мумкин. Кассация суди ишни мазмунан кўриб чиқмаса-да, лекин қуйи судларнинг қонунни тўғри қўллаганини текшириб кўради.

Шунингдек, шикоятнинг берилиши ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатмайди. Кассация суди қуйи судларнинг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмай, фақатгина тўлиқ ёки қисман ўз кучида қолдириш ёки қонун бузилиш ҳолатини аниқлаб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва бошқа қуйи турувчи судга янгидан кўриш учун юбориш ваколатига эга. Кассация босқичида меҳнат низолари малакали судьялар томонидан кассация суди фуқаролик палатасининг ижтимоий бўлимида иккита прокурор иштирокида кўриб чиқилади.

**Мухлиса ПАТТАЕВА,**
**ТДЮИ талабаси**

**Nadomat**

# ФОЖИА КЕЛТИРГАН ХАТОЛИК

**СУД ОЧЕРКИ**

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

Бироқ бунинг уддасидан чиқолмади. Шундан сўнг у Надежда Петровнага бир-икки кун сабр қилиб турса, пулни қайтариб беришини айтди.

Надежда Петровна Обиднинг ялинганини қўрқди, деб ўйлади. Аслида эса Обид пулни бермаслик тўғрисида бош қотираётган эди.

Обид бу ишни энди пайсалга солиб бўлмаслигини, тезроқ бир тўхтамга келиши зарурлигини тушуниб, кечқурун укаси Собит билан маслаҳатлашишни кўнглига тугиб қўйди.

Ака-ука учрашганларида Обид дардини тўкиб солди.

— Ё пулни қайтариш керак ё гувоҳномани олиш керак. Ҳар иккисининг иложи бўлмаса, Петровнани оиласи билан гумдон қилиш лозим — деди Собит кўзларидан ёвуз ўт чақнаб.

— Бошқа йўли йўқми, ука? Битта гувоҳнома ташвишининг ўзиёқ юрагимни эзиб юборди.

— Бировлар билиб қолишсагина тоғдек муаммо пайдо бўлади, билишмаса, жин ҳам урмайди. Биз ҳамма ишни жуда усталик билан бажарамиз.

— Бу гап айтишгагина осон, уни амалга ошириш қийин...

— Уддалаймиз, — деди Собит, — Сиз уларнинг оиласида неча киши борлигини билсангиз, бўлди. Қолганини биргалашиб ҳал этамиз.

Шу топда ака-ука одам қиёфасидаги ваҳший махлуққа айланган эди.

Келишилган режа бўйича Обид эртасига тушдан сўнг Надежда Петровнанинг уйига келди ва гувоҳномани вилоят марказидаги ҳарбий қисмдан сотиб олганини, пулни олиш учун ўша жойга ўзи билан бирга бориш лозимлигини айтди. Шундан сўнг Обид Надежда Петровнани уйидан олиб кетишга келишди.

— Ишқилиб, пулни ололамизми, овора бўлиб қолмаймизми? — деб сўради Надежда Петровна.

— Пулни оламиз, сиз хавотирланманг, — деди ишонч билан Обид.

Надежда Петровна кечқурун дастурхон атрофида эри, ўғли Валерий ва қизларга Обиднинг келиб кетганини айтиб берди. Шунда улар бу гувоҳномани қўлга киритиш учун ўйлаб топилган найранг деган қарорга келишди.

— Ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин, — Обиднинг гувоҳномани тортиб олиш учун қилган ҳаракатларини эслади Надежда Петровна, — Борис, эртага менинг ўрнимга сен боргин, аммо гувоҳнома уйда қолади, нега деганда у зўравонлик қилиб гувоҳномани қўлга киритишга уриниши мумкин.

— Самар акага бир оғиз айтиб қўйсак бўлармиди, — суҳбатга қўшилди Эльмира. Самар туман ички ишлар бўлимида ишлар, Надежда Петровна хонадони билан оилавий борди-келдиси бор эди.

— Олдин даданг бориб келсин, кейин шунга қараб айтиш-айтмаслик масаласини ҳал қиламиз, — деб Надежда Петровна қизининг гапини чўрт кесди.

* * *

Эртаси кун эрталаб Обид укасини йўл ёқасидаги қабристон ёнига қолдирди-да, ўзи машинада Надежда Петровнанинг уйига келди.

Уйдан Надежда Петровна эмас, унинг эри Борис Сергеевич чиқди-да, машинанинг олдинги ўриндиғига ўтирди:

— Сиз билан вилоят марказига хотиним эмас, мен борадиган бўлдим, — деди у.

Бу гапни эшитиб Обиднинг ичидан қиринди ўтди. У чорночор машинани вилоят маркази томон ҳайдади.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

Jamiyat maqsadi

# КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

## зурриёднинг жисмоний ва ақлан соғлом бўлишни тақозо этади

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Шундагина улар барпо этган оила чинакам бахт қўрғонига айланади, туғилажак фарзандлар эса бу қўрғонга офтоб янглиғ нур ва ҳарорат бағишлайди.

Минг афсуски, не бир орзу умидлар билан қурилган оиланинг кутилмаганда бузилиб кетаётгани ҳам ҳаётнинг аччиқ бир ҳақиқати. Бундай ҳолатнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин.

Лекин энг катта фожиа кечагина "бир-биримизни яхши биламиз" деган ёшларнинг аслида ўз жуфти ҳалоли ҳақида ҳеч нарса билмаслигидадир. Ота ёки онада мавжуд бўлган бирон-бир касалликнинг болага ўтиб, гўдакнинг тузалмас ногирон бўлиб туғилишини нима деб аташ мумкин?

Бугун ҳаёт миллат генофондини сақлаб қолиш ва соғломлаштириш, миллий менталитетни тиклаш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни дунёга келтириш масаласини устувор вазифа қилиб қўйди. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари ва ҳукуматнинг бир қатор фармон ҳамда қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"**ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 365-сонли қарори бу борадаги ишларнинг жонланишига асосий омил бўлди.

Бўлимимизда ҳам ушбу қарорга мувофиқ долзарб тадбирлар белгиланиб, улар изчил амалга оширилаяпди. Чунончи, қонуний никоҳдан ўтиш мақсадида бўлимимизга мурожаат қилаётган келин-куёвларга марказий поликлиникада махсус тиббий кўрикдан ўтишлари учун йўлланма беряпмиз. Биргина шу йил бошидан буён 341 жуфт келин-куёв никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтди.

Шундай бўлса-да, бу борада натижа кўнгилдагидек эмас. Бу эса жойларда ташвиқот-тарғибот ишларининг етарли эмаслигидан далолатдир. Аҳволни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида бўлимимиз ходимлари туман маҳаллаларида аҳоли билан бевосита савол-жавоб тарзидаги мулоқот кечалари, мактаб ва коллежларда турли учрашувлар ўтказаяпти. Жумладан, бундай тадбирлар яқинда Бешқўтон қишлоқ фуқаролар йиғинида, Музработ педагогика коллежида, 33-сонли ўрта мактабда уюштирилди. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, бу масалага халқ таълими, ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари, динимиз уламолари ҳам бефарқ бўлмасликлари лозим. Зотан, фарзандлар тақдирига бефарқлик, аввало, келажакка бўлган бефарқликдадир.

Ҳа, фарзанд — ҳаёт, насл-насаб ва авлод давомчиси. Усиз бу дунёда яшашимиздан маъни йўқ. Не ажабки, фарзанди тақдирини ота-она у ҳали дунёга келмасидан ҳал қилиб қўйиши мумкин. Бу уларнинг саломатлигига, турмуш кўришига нечоғли тайёр эканига бевосита боғлиқ. Бўлажак келин-куёвлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам, қолаверса, кенг жамоатчилик буни ҳар доим ёдда тутиши лозим.

**О.ЖУМАЕВА**
**Музработ тумани**

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

# ҲУШЁРБЕКНИНГ ҲИЙЛАСИ

Асакалик Ҳушёрбек Тўланов Тошкентга кетаётганда иттифоқо бир аёл билан ҳамроҳ бўлиб қолди. Йўл азобининг дориси суҳбат деганларидек, у ёқ-бу ёқдан ҳангомалашиб боришди.

— Сиз қаерда ишлайсиз, – деб қизиқсиниб сўраб қолди аёл гап орасида.

— Э-э, опажон мен нақд машина чиқадиган Асакадаги ДЭУ корхонасида инженер бўлиб ишлайман, – деди у. — Агар ўғлингиз бўлса, Кореяга ишга жўнатиш ҳам қўлимиздан келади...

Бу гап аёлга мойдек ёқиб тушди.

— Кошкийди ука, агар бир ўғлимни Кореяга жўнатиб берсангиз, нақд савобнинг тагида қолардингиз, — дея опа дарҳол Андижондаги уй манзилгоҳини ёзиб берди. Тошкентдан қайтгач, уйда кутишини, иш битса, ўз қўли билан девзира гурунчда ош қилиб беришини ҳам қистириб ўтди.

Кунларнинг бирида Ҳушёрбек опа ёзиб берган манзилгоҳ бўйича, Андижон тумани, Қўнжи қишлоғидаги Дўстлик маҳалласидаги уйига келади.

Эшикни опанинг ўғли Мансурбек очади. Меҳмоннинг мақсадини англагач, уйдан дадасини чақиради. Муталлиб ака меҳмонни илиқ қарши олди, дарҳол дастурхон ёзиб, чой қўйди.

Опа бир жойга кетган шекилли, уйда кўринмади.

— Опа билан Тошкентга кетаётганда танишиб қолгандик. Ўғлим бор, Кореяга ишга жўнатишга ёрдам берсангиз, деганди. Шунга келувдим, — деди Ҳушёрбек.

Муталлиб ака жуда хурсанд бўлиб кетди. Дарҳол ўғли Мансурбек билан ҳужжатларни тайёрлашди.

— Энди ҳужжатлар тайёр бўлди, буни харажати қанча бўлади, меҳмон, — деб сўраб қолди Муталлиб ака яна.

— 60 минг сўм, — деди Ҳушёрбек илжайиб, — ҳозир 30 минг сўм бериб юборамиз, кейин яна 30 минг сўм. У ёғига мана мен кафил!

Бу гапларга чин кўнгилдан ишонган Муталлиб ака дарҳол 30 минг сўм пулни олиб чиқиб, меҳмоннинг қўлига тутқазди. Пулни олган меҳмон икки-уч кундан сўнг келишини айтиб жўнаб қолди.

Ваъдага вафо деганларидек, меҳмон бир сўзли экан, икки кун ўтгач, яна кириб келди. У дарҳол ишга киришиб, Мансурбекни ўзи билан бирга олиб келган шахсий варақани тўлдириб, ариза ёздирди. Шундан сўнг меҳмоннинг яна "иштаҳа"си очилиб кетдими:

— Мансурбек, олис юрт, узоқ йўл, ўзингизга яна битта ҳамроҳ топсангиз, яхши бўларди, — деб қолди.

Шу гапдан сўнг нимагадир Мансурбекнинг кўнглига шубҳа оралади. Меҳмонни дадаси билан бир пиёла чой ичиб туришга таклиф этиб, қишлоқ марказига чиқди-ю, ички ишлар ходимларини бошлаб келди.

Ҳушёрбек Тўлановнинг ҳийласи ўтмади. У фирибгарлик устида қўлга тушди. Асли икки-уч марта судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган, Асака шаҳри, А.Узоқов кўчаси, 10-уйда яшовчи Ҳушёрбек Тўланов қилмиши учун қонун олдида жавобгар бўлди.

Бу ишёқмас, бекорчи, текинхўр Ҳушёрбек шундай ҳийлагар экан, эсҳушли одамларга нима дейсиз? Ахир, бир марта гаплашган одамига ишониб, 30 минг сўмни бериб, яна 30 минг сўм пулни ваъда қилиб юбораверадими?! Наҳотки, фирибгарлик йўли билан чет элга ишлагани чиқиб бўладими?! Аслида қонунни четлаб ўтиб, нотўғри, қинғир, ноқонуний йўллар билан чет элга чиқмоқчи бўлган одам ана шунақа чув тушиб қолаверади.

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Mitti maslahat

# МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

## УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Охирги иш куни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади. Иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш Меҳнат Кодексининг 87, 89, 97, 99, 100, 105, 106-моддалари ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда бўлиши талаб қилинади.

Хусусан, ходимнинг касаллиги, ногиронлиги, нафақага чиқиши, олий ёки ўрта махсус ўқув юрти ёхуд аспирантурага қабул қилиниши ва бошқа сабаблар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқда айнан кўрсатилади. Меҳнат Кодексининг 107-108-моддаларига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхаси берилиши шарт.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимга иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса; меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ёки меҳнат шартномаси бекор қилинган куни; 2) Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаётган ходимга ҳисоб-китоб қилиш талаб этилган куни тўланиши керак.

Шунингдек, меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда эса унга тегишли иш ҳақи ва унинг миқдори хусусида низо бўлмаса, қонун бўйича ёки шартномага мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ходим ишни ташлаб кетишга ҳақли бўлган кундан кечиктирмасдан иш берувчини огоҳлантириши шарт;

Бундан ташқари, Меҳнат Кодексининг 100-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга тегишли ҳақнинг миқдори юзасидан низо чиққан тақдирда, ходимга тегадиган суммани ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда тўланиши шарт.

Демак, меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш ҳам нозик масала бўлиб, ушбу ҳолатни қонунга мувофиқ равишда амалга ошириш фуқароларнинг қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари кафолатини таъминлайди.

**Бахтиёр КЕНЖАЕВ**



*Табиат мўъжизаси*

Charxikajraftor

## ЎҒРИ НИГОҲНИНГ ЖАЗОСИ

Мабодо йўлингиз тушиб, Танзанияга бориб қолсангиз, аввало, бу мамлакатда жорий этилган тартиб-қоидалардан хабардор бўлганингиз яхши. Чунки оддийгина эҳтиётсизлик, айтайлик, кўчада бирон-бир хушрўй чеҳрали қизни кўриб, узоқ тикилиб қолсангиз ҳам жазога тортилишингиз мумкин.

Бу мамлакатда жорий этилган янги қонунга биноан кўча-кўйларда қиз-жувонларга тикилиб қараган ҳар қандай эркак бир йил қамоқ жазоси билан "сийланади". Агар фалокат босиб нотаниш аёлга кўзингизни қиссангиз борми, нақ 5 йилга озодликдан маҳрум бўлдим деяверинг. Агар бу жиноят такрор содир этилса, қонунбузар бир умрга темир панжара ортида қолишга маҳкум этилади.

Шундай экан, бу балога гирифтор бўлмай десангиз, нигоҳни асраган маъқул.

## АНТИҚА ЮБИЛЕЙ

Бу дунёда аслида юз ёшга киришнинг ўзи катта бахт. Бу бахтга муяссар бўлган кишилар эса қутлуғ кунни шодон ҳолда қариндош-уруғлар даврасида нишонлайди, албатта. Бироқ...

Туркиялик Майям Удик ўзининг юз ёшини Истамбулдаги қамоқхоналарнинг бирида нишонлаган экан. Ажабланарлиси, бу воқеа яна бир санага тўғри келган, яъни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган қария панжара ортида ўтирганига ўша куни роппа-роса 60 йил тўлган.

## ПАНД БЕРГАН... ҚУЛОҚ

Буни қарангки, қулоқ ҳам баъзида эгасига панд берар экан. Қандай қилиб дейсизми? Унда қулоқ тутинг.

Лондонда яшовчи бир ўғри ҳамшаҳарларининг хонадонини шип-шийдам қилиб, яйраб юрар эди. Бироқ кунларнинг бирида у қулоғи туфайли қўлга тушди. Маълум бўлишича, бу талончи ҳар гал ўғирликка киришдан аввал хонадон эшиги ёки деразасига қулоқ тутиб кўришни одат қилиб олган экан. Англиялик полисменлар навбатдаги ўғирликдан сўнг жабрдийданинг эшигида қолган қулоқ излари орқали ўғрини қўлга туширишга муваффақ бўлишди.

## ХАТОЛАР БЎЙИЧА... РЕКОРД

Дунёда турфа хил одамлар учрайди. Баъзи кимсаларнинг ҳаётида қайта-қайта рўй берган ғайритабиий воқеаларни эшитиб, киши беихтиёр ҳайратга тушмай қолмайди. Яқин-яқингача лондонлик Бэрри Маундеранинг ҳаёти ана шундай ғайритабиий воқеаларга тўлиб-тошган эди.



Гап шундаки, кейинги 6 йил ичида унга дунёнинг турли бурчакларидан 11000 киши телефон орқали қўнғироқ қилган. Бироқ уларнинг ҳаммаси телефон номерига адашишган. Чунки жаноб Маундернинг телефон рақамлари «Гиннеснинг рекордлари Китоби» таҳририятининг телефон рақами билан фақат битта рақамда фарқ қиларди. Шу боис ўтган йиллар мобайнида жаноб Маундерни ҳар куни камида 20 нафар киши қўнғироқ қилиб тинчини бузиб келган.

Бунинг устига Бэрри ҳар сафар шикоят қилишига қарамай телефон тармоқлари компанияси ҳам телефон рақамларини алмаштиришни рад этиб, «Гиннеснинг рекордлар Китоби» таҳририяти билан ўзи келишиб олишни маслаҳат берган.

Охир-оқибат тоқати-тоқ бўлган Бэрри «Гиннеснинг рекордлар Китоби» таҳририятига бориб, ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қила бошлади. Рости гап, аввалига унинг арз-додига ҳеч ким эътибор бермади. Қаердан ҳам эътибор беришсин, ахир, таҳририятга ҳар куни дунёнинг бутун бурчакларидан бир-биридан ғаройиб воқеалар оқиб келиб турган бир пайтда қандайдир телефон машмашаси кимни ҳам қизиқтирарди дейсиз?!

Кейинчалик шикоятчи тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқишгач, таҳририят ходимлари ҳайратдан чапак чалиб юборишди: **ахир, бу — рекорд-ку!** Чунки дунёда энг кўп одам янглишиб Бэрри Маундерга телефон қилган экан.

Ана шу тахлит Бэрри «Гиннеснинг рекордлар Китоби» саҳифасидан муносиб жой олди.

Ҳа, дарвоқе, кейинчалик анави "бахтсиз" телефон рақами можароси ҳам яхшилик билан якун топди.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА тайёрлади.**

Nadomat

# ФОЖИА КЕЛТИРГАН ХАТОЛИК

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Йўлда бир йўловчи қўл кўтариб машинани тўхтатинг, — деган ишора қилди.

Обид машинани тўхтатди-да, Борис Сергеевичга қараб:

— Шу одамни олиб кетайлик, бензин пули чиқади, — деди.

Борис Сергеевич эътироз билдирмади. Йўловчи салом бериб машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди. У — Собит эди. У орқа ўриндиқда Надежда Петровнанинг ўзи эмас, унинг эри Борис Сергеевич ўтирганлигини кўриб, Обидга савол назари билан қаради.

— Надежда Петровна кеча ўзим бораман деган эди. Сизни жўнатибди-да, Борис ака, — деди Обид.

Бу билан у Собитни вазият ўзгарганидан огоҳ қилиб қўймоқчи эди. Собит тушундим, дегандай бошини қимирлатиб қўйди.

— Надя ўзини сал ёмон ҳис қилиб қолди, — деди Борис Сергеевич.

Машина йўлида давом этди. Улар бир неча километр юриб овлоқроқ жойга чиқишганда, Обид машинани йўл четига олди-да, моторни ўчирди. Борис Сергеевич Обидга савол назари билан қаради.

— Гувоҳнома қани? — сўради у хўмрайиб.

Обиднинг муомиласи ўзгариб қолганлигидан Борис Сергеевичнинг жаҳли чиқди.

— Олдин пулни чўз, кейин гувоҳномани оласан, — деди у.

— Яхшиликча гувоҳномани бер!

— Ҳали мени қўрқитиб, гувоҳномани олмоқчимисан? Бу номеринг ўтмайди, оғайни, — деди қаттиқ жаҳли чиққан Борис Сергеевич.

Собит олдиндан тайёрлаб қўйган ингичка арқонни Борис Сергеевичнинг бўйнига ташлади-да, уни жонжаҳди билан тортди.

Борис Сергеевич типирчилаб-типирчилаб тинчиб қолди. Обид унинг чўнтакларини титкилаб гувоҳномани топа олмади. Кейин улар мурдани йўлни кесиб ўтган дарёга ташлаб юборишди.

— Гувоҳнома йўқ экан. Энди нима қиламиз? — сўради Обид.

— Ишни охирига етказмасак, сираям иложи йўқ, — деди Собит.

Надежда Петровнага яна рўпара бўлишни ўйлаб Обиднинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ўзингизни қўлга олинг, ака, бундан буёғига нима қилишимизни ўйлаб олишга вақтимиз бўлади. Уларникига кечроқ борасиз, — деди Собит.

* * *

Надежда Петровнанинг кўнгли алланечук ғаш эди. Оқшом тушиб қолган бўлса-да, на Борисдан, на Обиддан дарак бор эди.

Кечга яқин кўча эшиги ёнига машина келиб тўхтади ва ичкарига Обид кириб келди.У Надежда Петровнанинг кўзларига тап тортмай тик боқар, юзи хотиржам эди.

— Намунча қолиб кетдиларинг? — сўради Надежда Петровна ва эри йўқлигини кўриб, шошиб сўради:

— Ие, Борис қани?

— Борис Сергеевични чегара постида чегарачилар олиб қолишди. Паспорти ёнида эмас экан. Унинг паспортини олинг, бирга бориб олиб келайлик.

— Ишлар битдими ўзи? Пулни олдингларми?

— Бўлмасам-чи, шунча йўл босиб борамиз-у ишни битказмаймизми?! Пул Борис акада, — деди Обид ёлғонни ямламай ютиб.

Надежда Петровна уйдан тезда кийиниб чиқди. Бунинг устига у эркак киши билан машинада бир ўзим кетмай, деб йигирма ёшли қизи Эльмирани ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб олмоқчи бўлди.

— Обид билан бирга кетаётганлигимизни Самар акага айтиб қўяйлик, ойи, — деди қизи.

Надежда Петровнанинг пешонаси тиришди:

— Нима қиламиз айтиб, кетаверайлик.

— Эҳтиёт шарт, ҳар ҳолда зарар қилмайди...

— Бўпти, қизим, милицияхонага кириб Самар акага учраймиз,дадангнинг паспорти тайёр бўлган бўлса, уни ҳам бир йўла олволамиз, — деди у.

Надежда Петровна машинага ўтириб эшигини ёпаркан:

— Обид, милицияхонага ҳайда, — деди.

— Милицияхонага? Нима қиламиз у ерда?

Надежда Петровна Обиднинг чўчиб тушганлигини сезди. Сезсада, унга жиддий эътибор қилмади.

— Қўрқма, Обид, гувоҳнома тўғрисида оғиз очмайман. Борислинг паспорти ўша ерда. Тайёр бўлган бўлса, оламиз. Ўзиям роса юрагингни олдириб қўйибсан, — деди Надежда Петровна мийиғида кулган қўйи.

Обид милицияхонага яқинлашган сайин машинанинг тезлигини пасайтирар, атрофга аланглаб қарар, бирор шубҳали ҳаракат йўқмикан деган ҳадик ич-этини еяётган эди.

Надежда Петровна қизи билан милицияхонага кириб кетгач, Обиднинг безовталиги янада ортди. У ўзини игна устида ўтиргандай сезар эди.

Ниҳоят, ичкаридан Надежда Петровна қизи билан чиқиб келди. Улар танишларига учради, қўрқаётган бўлсаларингиз одам қўшиб бераман, деди у. Лекин Надежда Петровна кўнмади,ишончли одам, Алишернинг қадрдони, борамизу Борисни олиб қайтамиз, деди. Кейин у шу ердан уйига телефон қилди-да, агар биз кеч қолсак, ички ишлар бўлимига, Самар акангга телефон қилгин, деб ўғли Валерийга тайинлади.

— Энди кетаверсак, бўлади, — деди у Обидга.

Обид елкасини эзиб турган тоғ қулаб тушгандек енгил нафас олди. Лекин барибир, Надежда Петровнанинг милицияхонага кириб чиққани тўғрисида Собит билан маслаҳатлашиб олишни, шунинг учун йўлга чиқишни бир неча соат кейинга қолдиришни лозим топди.

— Надежда Петровна, мен анча чарчадим, келинг, яхшиси, йўлга кечки соат ўнларда чиқайлик, унгача мен бир оз дам олиб келардим, — деди Обид.

— Хўп, ундай бўлса, бизни уйга олиб бориб қўй, сени кечқурун кутамиз.

Обид она-болани уйларига ташлаб Собитникига борди ва Надежда Петровнанинг милиция бўлимига борганини унга айтиб берди.

Собит кулди:

— Мана ака, милицияхонадан эсон-омон келибсиз, агар бирон-бир нарсанинг ҳиди чиққудай бўлса, бизни аллақачон тиқадиган жойга тиқиб қўйишган бўларди. Надежда опангиз ўзи айтгандай милиция бўлимига фақат эрининг паспортини олиш учун кирган.

Обиднинг кўнгли таскин топди.

Сўнг белгиланган пайтда Обид Собитни ўтган галдагидек йўл четида қолдириб, ўзи Надежда Петровналарникига йўл олди.

Надежда Петровна йўлга чиқишдан олдин ўғли Валерий ва кичик қизи Нинага:

— Агар биз бир неча соат ичида қайтмасак, милициядаги танишимизга телефон қиласизлар, — деб ИИБ ходимининг телефон рақамини ҳамда Обид миниб юрган машинанинг давлат рақамини қолдирдида, ўзи қизи билан машинага ўтирди.

Обид вилоят марказига кетадиган йўлга чиқиб тезликни оширмоқчи бўлиб турганида йўл ёқасида турган бир киши-Собит қўл кўтарди. Обид машинани тўхтатди.

Собит бу гал машинанинг олдинги ўриндиғига ўтирди. Вақт алламаҳал бўлиб қолгани ва машинанинг бир маромда тебраниб бораётганлиги учун Эльмира ухлаб қолди. Надежда Петровна ҳам мудраб кетаётган эди. Бир пайт Обид машинани тўхтатди. Надежда Петровна кўзларини очди-да, атрофга аланглади:

— Келдикми? Борис қаерда? Ие, нега бу ерда ҳеч ким йўқ? — Надежда Петровна ажабланиб Обидга қаради. Бўри қиёфасига кирган Обиднинг кўзлари совуқ чақнади. Собит Надежда Петровнага юзланди:

— Бизга гувоҳнома керак. Қани, жонингдан умидинг бўлса, гувоҳномани чиқар, — деди у. — Эринг гувоҳномани яхшиликча бермаган эди, уни гумдон қилишимизга тўғри келди.

Бу гапни эшитиб Надежда Петровнанинг кўз ўнги қоронғулашиб, беихтиёр чинқириб юборди.

— Вой шўрим қурсин, Борисни топиб бер, — шундай деб Надежда Петровна Обиднинг юзига чанг солди. Аммо унинг қўли Обидга етиб бормади — Собит итариб юборган эди, ўриндиқ суянчиғига қапишиб қолди.

Бақир-чақирдан уйғониб кетган Ира қўлидаги сумкасидан газ баллонни олиб уни Обид билан Собитнинг юзига сепди. Обид Иранинг қўлини қайириб бўйнидан бўға бошлади. Собит эса Надежда Петровнанинг бўйнига арқон солди.

Қотиллар мурдаларнинг кийимларини титкилаб, гувоҳномани ҳеч қаердан топишолмади. Сўнг иккала мурдани ҳам машинанинг юкхонасига ортишди-да, дарё бўйига олиб бориб сувга ташлаб юборишди.

— Яна иккита боласи қолди, — деди Обид.

— Ишимизни охирига етказамиз. Уларни ҳам олиб чиқасиз. Болалар сизни таниб қолган. Шунинг учун уларни йўқ қилмасак бўлмайди, — деди Собит.

Обид машинасини орқага қайтарди. Ҳар сафаргидек Собитни йўл четида қолдириб, ўзи болаларни олиб келгани кетди. У машинадан тушиб Валерий билан Нинани алдаб олиб чиқиш учун ичкарига қадам қўйган ҳам эдики, милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Маълум бўлишича, онасидан дарак бўлавермагач, Валерий онаси қолдирган телефон рақамига қўнғироқ қилган эди.

Обид милиция ходимларига бор гапни айтиб берди. Орадан кўп вақт ўтмай Собит ҳам қўлга олинди.

Бир қалбаки гувоҳнома учун уч кишининг ҳаётига зомин бўлган, яна икки норасиданинг ҳаётига суиқасд қилган қотиллар қилмиши учун суд олдида жавоб берди.

Бу мудҳиш воқеадан келиб чиқадиган хулоса шуки, биз ҳар қандай муаммони қонун талабидан келиб чиқиб,фақат қонунга асосан ҳал қилишни ўрганишимиз, ҳушёр бўлишимиз лозим.

**Шоҳруҳ АКБАРОВ,**
**журналист**

**Адлия вазирлиги жамоаси Адлия вазирининг ўринбосари Хуршид Содиқовга қайнотаси *МУЗАФФАР отанинг* вафоти муносабати билан таъзия билдиради.**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 2 3 4 5